

# Кузги буғдой навларининг мақбул экиш муддатлари ва сугориш тартибларини ҳамда маъданли ўғитнинг тавсия қилинган йиллик меъёрини белгилаш

Иzzatbek Abdukhaliq Uraimov

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

**Аннотация:** Мақолада кузги буғдойнинг “Бардош” ва “Васса” навларни маъданли ўғитлар билан озиқлантириш меъёри ва сугориш тартибини белгилаш учун изланишлар натижалари асосидаги таҳлил материаллар қўрсатилган.

**Калит сўзлар:** озиқлантириш, сугориш нормаси, кузги буғдой, экиш, туплаш, бошоқлаш, сизот сувлари, чекланган дала нам сифими, ўтлоқи бўз тупроқ, агротехникаси

## Determining optimal planting dates and irrigation regimes for winter wheat varieties and the recommended annual rate of mineral fertilizer

Izzatbek Abdukhaliq oglu Uraimov

Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

**Abstract:** The article presents the water balance of the “Bardosh” and “Vassa” varieties of the autumn sort planted after the fall, the norm of feeding and watering order. Analysis materials based on the results of research conducted on the lands of the learning-experimental farm are shown in order to determine the norm of feeding and irrigation procedures of the very early ripening varieties of autumn Willow. The data obtained were analyzed and recommendations were made for the extreme early ripening varieties of autumn Willow.

**Keywords:** top dressing, irrigation rate, autumn, planting, brine, limited field moisture capacity, meadow burrow soil, agricultural machinery

Дунё бўйича бугунги кунда буғдой 220,7 млн. гектар майдонга экилиб йилига 781 миллион тоннани ташкил этади, ўртача дон ҳосили гектарига 31,3 центнерни ташкил қиласи. Бутун дунё бўйлаб аҳоли жон бошига буғдойдан фойдаланиш қўрсаткичи йилига 64.7 кг ни ташкил этади. Халқаро қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат тармоқлари, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш тармоқлари маълумотларига кўра, 2024 йилда 800 млн тоннага яқин буғдой

дени етиштириш кўзда тутилган бўлиб, кейинги ўн йилликда бу кўрсаткич аҳоли сони ўсиши билан бирга дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун 6.6% га яъни, 59.8 млн. тоннага яқин етиштириш кўзда тутилган.

Дунёning қишлоқ хўжалиги амалиётида ер майдонининг чекланганлиги ҳисобга олиниб, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда интенсив технологиялар асосида соҳани ривожлантириш, экиш муддатларини тўғри белгилаш, тупроқ намлиги ва маъданли ўғитлардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш орқали келгусида озиқ-овқат тақчиллигини олдини олишга қаратилган.

Шу сабабли ҳар бир тупроқ-иклим шароитлари учун шу жумладан Андижон вилояти ўтлоқи аллювиал тупроклари шароитида экилаётган қузги буғдой навларининг мақбул экиш муддатлари ва суғориш тартибларини белгилаш ҳамда маъданли ўғитнинг тавсия қилинган йиллик меъёрини ривожланиш даврларида турли меъёрларга бўлиб қўллашнинг самарадорлигини ошириш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар долзарб хисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда суғориладиган ерларда ҳар бир тупроқ иклим шароитларидан келиб чиқсан ҳолда қузги буғдойни экиш муддати, суғориш тартиби ва маъдан ўғитларни унинг ривожланиш даврла рида қўллаш ва меъёрларини ишлаб чиқиш орқали юқори рентабелликка эга бўлган барқарор мўл ҳосил олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда иқлимининг кескин ўзгариши дон ҳосили етиштиришда қатор нокулайликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун, мавсумий суғориш меъёри, суғориш муддатлари ҳар бир экиннинг сув истъмолига асосан, табиий ва иқлим шароитларига боғланган ҳолда олиб борилади.

Ҳалқаро хамжамиятда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хомашё, чорвачиликни эса озуқага бўлган талабини қондиришда дала экинларини биологик хусусиятлари, тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда уларни етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ва уни мунтазам такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Шунинг учун дунё қишлоқ хўжалигида сув тақчиллиги шароитида экинларни илмий асосланган суғориш тартибларига амал қилиш бугунги кунда экинлар ҳосилдорлигини ортиши ва унинг сифатига ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон республикаси президентининг 2023-2030 йилларга мўлжалланган «ўзбекистон - 2030» стратегияси “сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” тўғрисидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало маҳаллий тупроқ-иклим

шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг бошоқли дон экиладиган майдонларда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, айниқса ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, кузги буғдой навларидан барқарор юқори ҳосил олишда сугориш тартиблариға боғлиқ ҳолда унинг ривожланиш даврларида сугориш тартибини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Андижон вилояти шароитида сугориладиган ҳар бир гектар ер майдонидан унумли фойдаланиш имкониятини беради ҳамда самарали фойдаланишни тақозо этади. Хусусан, кузги буғдой ҳосили йиғишириб олинган ер майдонларига такрорий экин сифатида 30 дан ортиқ экин турларини экиб, улардан дон, чорва учун тўйимли озуқа этишириш мумкин.

Бундан ташқари такрорий экинлар тупроқ унумдорлигини яхшилаши ҳисобига, улардан кейин этиширилладиган экинлар ҳосилдорлиги ва сифатини оширади.

“Андижон вилояти Агрокимё хизмати лабораторияси” да ўтказилган кимёвий таҳлиллар натижасига қараганда, биз дала тажрибаси ўтказган тупроқдаги гумус миқдори ҳам унчалик кўп эмаслиги кузатилди.

Сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда ўртача гумуснинг миқдори 0,6-0,8, азот 0,019, фосфор – 0,07, калий – 2,2 фоиз атрофида бўлади. Механик таркиби жиҳатидан енгил қаватли, ҳар хил шўрланган тупроқларда гумус ва умумий азот, фосфор ва калийнинг миқдори юқорида кўрсатилгандан у ёки бу томонга қисман ўзгариши мумкин Сугориладиган дехқончиликда ўғитлар тўғри қўлланилса, ҳосилдорлик 40 фоиздан 70 фоизгacha ошади. Кузги буғдой учун ўғитлар ҳосилдорликни, шунингдек, дон сифатини кескин оширади. Қишлоқ хўжалиги институтида сугориладиган ерларда ўтказилган тажрибаларда кузги буғдой ҳосилдорлиги гектарига 28,3 центнердан 51,9 центнерга кўтарилди.

Гумуснинг умумий миқдори тупроқ ҳайдов қатламида 0,93-1,02 фоизга тенг бўлган бўлса, қуи қатламларга томон камайиб бориш тенденцияси кузатилди. Гумус миқдори кескин камайди ва у (62-89 см. қатламда) 0,20 фоизни ташкил қилди. Умумий азот, фосфор ва калий озиқалари миқдори бўйича ҳам ушбу қонуният қайд этилди. Ҳайдов қатламида азот ва фосфор миқдори мос равишида 0,081-0,063 ва 0,154-0,142 фоизга тенг бўлди. Шуни таъкидлаш лозимки, умумий (ялпи) калий миқдори бўйича эса бироз ўзгача кўриниш кузатилди, яъни калий миқдорининг горизонтлар бўйича камайиши тенденцияси кескин бўлмади. Озиқ моддаларнинг ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилладиган қисмида ҳам юқоридагидек ҳолат кузатилди. Тупроқнинг 0-10 см. қатламида нитрат азоти 18,2 мг/кг бўлган бўлса, 10-28 см.да унинг миқдори 10,5 мг/кг., 62-89 см. чуқурликда эса бор-йўғи 2,3 мг/кг нитрат азоти

аниқланди. Ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калийда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Хасanova Ф.M., Қорабоев И. Кузги буғдой экишда минимал технологияни экиш меъёрлари ва ҳосилдорликка таъсири // Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида сув ва ресурс тежовчи агротехнологиялар. Халқаро илмий–амалий конференция маъruzалари асосидаги мақолалар тўплами. –Тошкент, 2008. -Б. 331.
2. Кадиров Р.Н.Пути усовершенствовании расчета режима орошения озимой пшеницы в Узбекистане.Актуальные научные исследования в современном мире.Ж. Украина-2019. №10.С.41-43
3. Кадиров Р.Н. Влияние режима орошения на урожайность озимой пшеницы. Актуальные научные исследования в современном мире.Ж. Украина-2019. №10.С.36-40.
4. Исашов, А., Мирфозилов, Н. А., & Абдулҳақов, Ф. Ҳ. (2021). ВОЗДЕЛЫВАНИЕ КАРТОФЕЛЯ ПРИ РАЗНЫХ СПОСОБАХ ПОЛИВА. Universum: технические науки, (12-2 (93)), 37-41. <https://cyberleninka.ru/article/n/vozdelyvanie-kartofelya-pri-raznyh-sposobah-poliva>
5. Исашев, А., & Мамаджанова, Н. (2018). Тажриба даласининг сувистеъмоли. Agroilm. Тошкент,(4), 54. [https://scholar.google.com/scholar?cluster=12468061164093245399&hl=ru&as\\_sdt=2005&sciodt=0,5](https://scholar.google.com/scholar?cluster=12468061164093245399&hl=ru&as_sdt=2005&sciodt=0,5)
6. Исашов, А., Махмудов, Д., & Қамбаров, Ш. (2022). ХАЙДОВДАН КЕЙИНГИ ЧУҚУР ЮМШАТИШ АГРОТЕХНИКАСИ БИЛАН ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТУПРОҚ ҲАЖМ МАССАСИГА ТАЪСИРИ. International scientific journal of Biruni, 1(1), 22-27. <https://cyberleninka.ru/article/n/haydovdan-keyingi-chu-ur-yumshatish-agrotehnikasi-bilan-tomchilatib-su-orish-usulini-llashning-tuproq-azhm-massasiga-tasiri>
7. Исашов, А., Аманов, Б. Т., Обидов, И. А., & Сидиков, Б. С. (2015). ПРИМЕНЕНИЕ ВНУТРИПОЧВЕННОГО ОРОШЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ. Российский электронный научный журнал.–2015, 1, 175-179. [https://journal.bsau.ru/archive/renj\\_1\\_2015.pdf#page=175](https://journal.bsau.ru/archive/renj_1_2015.pdf#page=175)
8. Сайдходжаева, Д. А., Саттиев, Ю., & Ишонқулов, З. (2020). Application of modern innovative technologies in the regulation of water consumption and calculation of single-walled hydraulic structures. Актуальные научные исследования в современном мире, (2-2), 80-85. <https://elibrary.ru/item.asp?id=42781156>

9. Yunusbek, S., & Rakhmatillo, S. (2022). THE ROLE OF GEODESY WORK IN THE DESIGN OF PUMP STATIONS. Universum: технические науки, (4-11 (97)), 48-50. <https://cyberleninka.ru/article/n/the-role-of-geodesy-work-in-the-design-of-pump-stations>
10. Rakhmatillo, S., & Yunusbek, S. (2022). ANALYSIS OF STUDIES ON THE WATER SUPPLY DEPARTMENT OF IRRIGATION PUMPING STATIONS. Universum: технические науки, (4-12 (97)), 33-34. <https://cyberleninka.ru/article/n/analysis-of-studies-on-the-water-supply-department-of-irrigation-pumping-stations>
11. Xakimov, A., Karabaev, A., & Sabitov, A. (2023, March). Substantiation of reclamation regimes of irrigated lands in the saz zone of the Fergana Valley. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2612, No. 1). AIP Publishing. <https://pubs.aip.org/aip/acp/article-abstract/2612/1/020036/2879794>
12. Xakimov, A., Karabayev, A. N., & Uljayev, F. (2022, December). Soil water-salt regime as a factor in improving the reclamation state of irrigated lands. In IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (Vol. 1112, No. 1, p. 012140). IOP Publishing. <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/1112/1/012140/meta>
13. Dilmrod, X., Raxmatillo, S., Ferubek, A., & Yunusbek, S. (2021). IMPROVING THE OPERATION RELIABILITY OF THE COMPLEX OF CONSTRUCTIONS OF THE KUYGANOR HYDRAULIC UNIT. Universum: технические науки, (10-5 (91)), 52-55. <https://cyberleninka.ru/article/n/improving-the-operation-reliability-of-the-complex-of-constructions-of-the-kuyganor-hydraulic-unit>
14. Карабаев, А. Н., & Сабитов, А. У. (2021). МУРАККАБ РЕЛЬЕФЛИ ЕРЛАРДА РЕСУРСТЕЖАМКОР СУФОРИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ҚЎЛЛАШ АСОСЛАРИ. Academic research in educational sciences, 2(11), 145-149. [https://ares.uz/storage/app/media/2021/Vol\\_2\\_No\\_11/145-149.pdf](https://ares.uz/storage/app/media/2021/Vol_2_No_11/145-149.pdf)
15. Sabitov, A. U., Karabaev, A. N., Khakimov, A. K., & Norkuziev, A. (2020). Non-traditional irrigation of terraced adyr slopes in the conditions of the fergana valley. Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt/Egyptology, 17(6). [https://scholar.google.com/scholar?cluster=1071472445720609115&hl=ru&as\\_sdt=2005&sciodt=0,5](https://scholar.google.com/scholar?cluster=1071472445720609115&hl=ru&as_sdt=2005&sciodt=0,5)
16. Сабитов, А. У., Карабаев, А. Н., & Тургунова, Р. Техника и технология полива на террасированных склонах земель. НАУКОВІ ЗАСАДИ ПІДВИЩЕННЯ ЕФЕКТИВНОСТІ СІЛЬСЬКОГОСПОДАРСЬКОГО ВИРОБНИЦТВА SCIENTIFIC BASIS TO RAISE AGRICULTURAL

## PRODUCTION EFFECTIVENESS НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ

17. Xojimatov, A., Xakimov, A., Xusanov, D. D., & Abdulhaqov, F. X. (2019). Monitoring the operation of vertical drainage during reclamation of irrigated lands. Актуальные научные исследования в современном мире, (12-2), 136-139. <https://elibrary.ru/item.asp?id=42489774>
18. Хакимов, А., & Карабаев, А. Н. (2021). ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЧВ САЗОВОЙ ЗОНЫ В ЕСТЕСТВЕННЫХ УСЛОВИЯХ. Universum: технические науки, (11-2 (92)), 72-75. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-formirovaniya-pochv-sazovoy-zony-v-estestvennyh-usloviyah>